



Касаба уюшмаларида

Жиззах

ЯНГИ ТАШКИЛОТ

Яқинда енгил, маҳаллий, мебель саноати ва коммунал-маиший корхоналар ходимлари касаба уюшмалари Жиззах вилоят ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Бирлашган касаба уюшма вилоят ташкилотининг Низоми ва Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама этилди ва республика курултойига делегатлар сайланди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилишда «Жиззахвилоятгаз» касаба уюшма кўмитаси раиси С.Бобонозов, ип-йигирув фабрикаси иқтисодчиси Ю.Каримов, Пайкок тукув фабрикаси касаба уюшма кўмитаси раиси А.Хидиров, вилоят кўмитаси раиси Ж.Эржабов, Зомин туманидаги «Тамара» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Қ.Жумабоева, вилоят кўзи оқизлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Шириновлар қатнашдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон енгил, маҳаллий, мебель саноати ва коммунал-маиший корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси А.Раҳимов нутқ сўзлади.

Конференция енгил, маҳаллий, мебель саноати ва коммунал-маиший корхоналари ходимлари касаба уюшмалари Марказий кўмита ташкилотчиси ва унинг раёсат аъзоларини сайлади. Илгари маҳаллий, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари вилоят кўмитасининг раиси бўлиб ишлаб келган У.М.Маматкулов Жиззах вилояти тармоқ касаба уюшмаси ташкилотчиси этиб сайланди.

Абдуманнон АЗИМОВ.

Самарқанд

УЙЛАР МУБОРАК

Самарқанддаги 5- қурилиш трести таркибидagi қурилиш ташкилотлари шу кунларда ўнга яқин объектларда иш олиб боришяпти. Вилоят юрак хасталиклар шифохонасида 2та даволаш босқини, шаҳардаги 32 хонадонли уй, Каттакўрғон шаҳридаги мактаб босқини бунёд этишда жонбозлик кўрсатишяпти.

Яқинда уларнинг кучи билан қад ростлаган 40 хонадонли турар- жой босқини фойдаланишга топширилди. Қурувчилардан 10 нафарининг оиласи ўз уйига эга бўлди. Трест маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўришмоқда. Хусусан, меҳнат шaroитини яхшилаш, техника хавфсизлиги бўйича ходимларни ўқитиш, ишчиларни махсус кийимлар билан таъминлаш борасида ибратли ишлар қилишяпти. Утган йили касаба уюшма кўмитаси томонидан 6 нафар қурувчига шу йилнинг утган даврида эса 4 нафар ишчига санаторийларга дам олиб соғлиқларини тиклаш учун йўлланмалар берилди. Утган йилнинг эида ишчиларнинг 50 нафар фарзанди «Строитель» оромгоҳида соғломлаштирилди. Оила йилида эса бу тадбирларни янада кенгроқ қўламда давом эттириш мўлжалланмоқда.

Касаба уюшма кўмитасининг раиси Ашраф Жураевнинг сай-ҳаракати тўғрйли қурилиш ходимлари касаба уюшма ташкилотлари раисларининг вилоят кенгаши ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий масалалар бўйича ўқувлар, семинарлар ўтказилган. Меҳнат жамоасининг манфаатларига дахлдор масалаларда трест маъмурияти касабакўм билан бамаслаҳат иш тутмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Р. ҚУРБОНОВ.

Қашқадарё

ШАРОИТ ЕТАРЛИ БЎЛГАЧ

Китоб туманидаги Шодмон Умаров номи жамоа ҳўжалигида баҳорги экиш ишлари аλλαқачон ниҳоясига етган. 520 гектар майдонга ўз вақтида чигит экилган эди. Барча майдонларда чигит бехато қўқариб, тўла гектарлар ҳосил қилинган. Айни пайтда гўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш ва яганалаш ишлари олиб борилмоқда. 310 гектар майдондаги галлазор оби-ҳаётга қондрилмоқда.

Хўш, дала ишлари намунали ташкил этилган маъзур ҳўжаликда дехқоннинг иккинчи ўйи ҳисобланган шийпонларнинг аҳволи қандай?

Жамоа бошқаруви раиси вазифиниси бажарувчи Ғайбулла Маханов ва ҳўжалик касаба уюшма кўмитасининг раиси Дамир Тожматовлар билан шийпонларни қўздан кечирди. Дастлаб Турсун Қодиров бошчилик қилаётган бригада дала шийпонига ташириб буюрди. Очиги, дала шийпонини қўриб, қувонди. Ҳамма нарса жойида. Атроф топтоза, суғуриб сидирилган. Шийпон деворлари оқланган. Қўнма савдо дуқони ишлаб турибди. Хоналарда радио, телевизор мавжуд. Хуллас, шийпон дехқоннинг иккинчи ўйига айланган.

Ҳўжалигимизда 12 та дала шийпони бор. Дея сўз бошлади касаба уюшма кўмитасининг раиси Дамир Тожматов. - Ҳаммаси ҳам талабга жавоб беради. Дала шийпонларини йил ўн икки ой назорат қилиб борамиз. Гап шундаки, меҳнат қилган киши яқин дам олиши ҳам керак. Бунинг учун эса шийпонда шарт-шароит бўлиши талаб этилади.

Дарвоқе, дала ишлари ташкил этишда, меҳнат аҳлига етарли шарт-шароит яратишда, уларни ҳар томонлама ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда касабакўмининг ўрни ва мавқеи қатта.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ.

Бухоро

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН...»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кўмитаси томонидан ташкил этилган «Отам, онам ва мен...» спорт мусобақасига қатнашиш учун шаҳар марказидаги «Бухоро» ўйингоҳига ташириб буюрган Жондор, Олот, Ромитон, Пешку ва Вобкент туманлари вакиллари бўлган ота- оналар 200 ва 140 метрга югуриш ва спортнинг бошқа турлари бўйича қобилиятларини намойиш этишди. Болалар эса 60 метрга югуришда ўзаро куч синнашдилар.

Оилавий аркон тортиш мусобақаси ҳам қизиқarli бўлди. Фахрли биринчи ўрин Жондор тумани Марказий касалхонасининг шифокори Тохиржон Гофуров оиласига насиб этди. Унинг умр йўлдоши Нодира Сулаймонова ва ўгли Бехзоднинг спорт баҳсларида яқин натижаларга эришганликлари омад келтирди.

Вобкент туманининг «Зарафшон» жамоа ҳўжалигида истикомат қилаётган Ғайбулла Тохировнинг оила аъзолари 2-ўринга сазовор бўлишди.

Пешку тумани марказий касалхонасининг шифокори Азизжон Саъдуллаевнинг оила аъзолари фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Мусобақа қолиблари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кўмитаси ва «Ўзбекистон» жисмоний тарбия - спорт жамияти вилоят кенгашининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

А.ИСТАМОВ.

Экологик хавфдан огоҳ бўлайлик!

Кейинги йилларда инсон ҳаёти учун қатта хавф тугдираётган экологик оғир вазиятни бартавраф этиш, ер, сувни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни яхшилаш-ўз ечимини қўтаётган жуда қатта муаммолар жумласига кирди. Айниқса ернинг табиат ва жамият ҳаётидаги роли қатта. У дунёдаги барча жонзот учун ҳаёт кечирishi муҳити ва озик-овқат манбаи.Шунинг учун ҳам тупроқ қатламисиз ер юзида ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Одамлар тупроқ унумдорлигини ошириши, унинг ҳолатини яхшилаши керак, акс ҳолда ундан фойдаланиш қоидаларини бузиб, ишдан чиқариши мумкин.Жумладан ернинг шўр босади, сув эрозияси рўй беради ёки ботқоқ ҳолга келиб қолади. Масалая табиатни муҳофаза қилиш нуктаи назаридан ёндошсақ,бу кўнгилсиз ҳодисалар тупроқдан нотўғри фойдаланиш натижасида рўй бераётганлиги маълум бўлади. Масалан, Сурхондарё вилоятида 287 минг гектар дехқончилик қилинадиган ер бўлиб, сугорғи ишлари нотўғри ташкил этилганлиги сабабли бу майдонларнинг 128 минг гектари шўрланган. Шўрланган ерларнинг ҳолатини яхшилаш учун ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, зовурларни тозалаш, янгиларини қазиб талаб этилади.

Вилоятда 1997 йили 575,7 км узунликдаги очик зовурлар ишлаб турган. 1996-1997 йилларда 12 км янги зовур қазиб ишга туширилган. Аммо мавжуд зовурларнинг фақат 50 фоизи тозаланган, ҳолос. Бу турган гап, қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, вилоятда сув эрозиясига учраган ерлар мавжуд. Бунга асосий сабаб сувдан нотўғри фойдаланишдир. Масалан, 1997 йилда 200 гектар экин майдони сув

ридан кўп ишлатилиши тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг нобуд бўлишига, чириндининг қамайиб кетишига олиб келди. Хусусан, пестицидлар озик-овқат орқали одамлар ва ҳайвонлар организмига ўтган ҳоллар кузатилади.

Кейинги йилларда ви-

ЗАМИН ЗАХАРАТ ЮТМАСИН

эрозиясига учраган бўлиб, уни тиклаш учун 11 млн.сўм маблаг сарфланган. Агар сув эрозиясининг ўз вақтида олдинганида бунчалик қатта моддий ва меҳнат харажатларига йўл қўйилмаган бўларди.

Шамол эрозияси ҳам Сурхондарё қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига қатта зарар етказди. Айниқса, афғон шамол деб номланган иссиқ шамол сурункасига бир неча кунлаб эсади. Бу шамол тупроқнинг унумдор қатламини учириб кетади, ерни ифлослайди, экинларнинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ ҳўжалигида заҳарли кимёвий бирикмаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши дехқончилик қилинадиган, айниқса пахта етиштириладиган майдонларнинг ифлосланишига олиб келди. Натижада тупроқ ҳолати ўзгариб унумдорлиги қамайиб кетди. Айниқса ўз йилларда ўсимлик зараркундаларига, касалликларига ва бегона ўтларга қарши гербицидлар, инсектицидлар, дефолиантларнинг меъ-

лоятда заҳарли кимёвий препаратларни қўллаш қамайган бўлса ҳам улардан фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Кимёвий препаратларни ташкил, сақлаш қоидаларни кўпгина ҳўжаликларда бузилмоқда.

ДДТ пестициди ишлатилган тупроқ таркибиде 15-20 йилгача унинг қолдиқлари сақланиб қолишини олимлар яқин билишад. Собиқ Иттифоқ даврида Сурхондарёда қишлоқ ҳўжалик экинларига дори сепадиган 47та аэродром бўлиб, улар 400 гектар майдонни эгаллаган. Бу аэродромлар тупроғидан олинган намуналар таҳлил қилиб қўрилганда улардаги зарарланган даражаси белгиланган меъридан 100 баробардан 500 баробаргача ошиб кетганлиги кузатилади. Бу ерлар карантин қилинганлигига қарамай ўша майдонларда дехқончилик қилиш ҳўлла-

Умуман, турли агротехник йўллар билан тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш мумкин, аммо ифлосланган тупроқни тозалаш, асли ҳолига келтириш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам тупроқларнинг ифлосланишига асло йўл қўймайлик. Чунки у ризқ-рўзимиз манбаи, ер юзидаги ҳаётнинг замини ҳисобланади.

Содиқ МЎМИНОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Дунё томи» ҳисобланадиган Тожикистоннинг тоғли Бадахшон вилояти кейинги кунларда бўлиб ўтган ёнғингарчиликдан қатта зарар кўрди. 200 минг киши яшайдиган бу ўлка қисқа муддатга йўлларнинг ёпилиб қолиши натижасида ташқи дунёдан ажралиб қолган эди. Республиканинг энг қашшоқ райони бўлган бу ерга Буюк Британиядан дастлабки инсонпарварлик ёрдами кела бошлади.

Эрон ташқи ишлар вазири С. Харрозий жаноблари Тожикистон Бош вазирининг муовини Х. Туржонзода билан бўлган учрашувда Душанбе ва Кофарниҳонда бўлиб ўтган нохуш воқеалардан ўз ташвишини билдирган ва «Тожикистонда тинчлик барқарор бўлишини истаймиз ва бу ишга ёрдамимизни аяммаймиз», - деган.

Англиянинг «Таймс» газетасида эълон қилинган мақолага кўра Туркманистон иқтисодиёти банкрот бўлиш арафасида экан. Шу йилнинг сентябрга бориб республиканинг валюта захираси тугар экан. Бунинг устига мамлакат газини сота олмаётганлиги, Эрон томонга оқизлаётган газ эса қарз ўрнига берилаётганлиги, республикада аҳолининг моддий аҳволини яхшилашдан кўра ҳашаматли бинолар қуриш авж олдирилаётганлиги айтилади, мақолада.

Лондонда таширифта бўлган Қирғизистон Бош вазири Б. Жумаалиев бўладиган сайловларда Президентликка А. Акаевнинг номзодини қўрсатиш масаласида тўхталиб: «А. Акаевнинг сайланишига ҳаққи бор, у бир марта сайланган», - деган.

Қирғизистон Президентининг матбуот котиби К. Имомалиевнинг айтишича, кейинги пайтда республикада диний экстремизм кучайган. Шу боисдан ҳам мамлакат ҳудудидаги барча маҳаллаларни қайтадан рўйхатдан ўтказиш, маърифат қатнаётганларни қайси республика фуқароси эканликларини аниқлаш мўлжалланмоқда.

17 МАЙ - Музейлар куни



Булунгур туманидаги Бўта Расулов номи 3-ўрта мактабда мана ўн беш йилдирки «Тарих ва ўлкашунослик» музейи ишлаб турибди. Музейда 1,5 мингта яқин турли туман ҳўжатлари, осори-атикалар бор. Албатта буларнинг бари мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари томонидан тўпланди. Суратда: музей раҳбари А.Бўтаев ўқувчиларни янги экспонат билан таништирмоқда. Нурмамат АЙМУРОДОВ олган сурат.

Истеъмолчи манфаати - муқаддас

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Бизнинг республика Санитария-Эпидемиология Станцияси ходимлари билан вилоятларда ўтказилган текширишларимиз ҳам айнан юқоридagi ҳўжатларнинг бажарилиши юзасидан бўлди.

Навоий шаҳар марказий бозорини қўздан кечирганимизда, бозорда санитария қоидаларига риоя қилиниши учун бир қанча зарур шaroитлар яратилганлигига гувоҳ бўлдим. Бу албатта тўғри. Лекин кўпчилик соғувчилар санитария нормаларини қўпол равишда бузма, қонунга хилоф равишда иш тутаяётганлигига ҳам дуч келдим. Шулардан бири сотувчи Н.Нуриллаевада тибобет қўриги дафтраси йўқлиги маълум бўлди.

Дўқонда Россия томонидан «Анл-Бенс» махсулотларига берилган мувофиқлик сертификати ўзгартирилган. Яъни 1994 йилда махсулот мувофиқлик сертификати рўйхатига киритилган, лекин қайси муддатга қадар ҳақиқийлигини яшириш мақсадида «1998 йилгача» деб бўзди. Демак, сотувчи А.Зуевнинг бу қалбаки мувофиқлик сертификати билан қанчадан-қанча махсулотларни истеъмолчиларга пуллаган. Бу ҳоллар вилоят СЭС ходимлари, ҳудудий санитария, Метрология ва сертификатлаш маркази, соғлиқ инспекцияси ва қолверса, бошқа назорат органларининг қўздан ордан нарида юрдиби?!

Навоий тумани «Кармана» очик турдаги хиссадорлик жамиятига қарашли дехқон бозорида ҳам ахвол яқини деб бўлмайди.

Нон махсулотлари билан савдо қилувчи Ш.Саломованиннинг тибобий қўриқдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳомаси йўқлиги маълум бўлди. Г.Назаровдан эса уйда тайيارланган қўлда асли салтанатли ўнчун овоз маъсўл врачидан лаборатория натижаларини олмаган. Менимча, бу ерда жавобгар шахс ўз-ўзиндан

маълум. Бундай ҳолларни жуда кўпчилик сотувчиларда кузатилади. Сотувчи З.Тоирова эса парфюмерия-гигиена махсулотлари учун сертификат олиш лозимлигини билмас экан. Хўш, сотувчи бундан хабари йўқ экан, у ҳолда бу масъула маъсўл шахслар нима дед экан?!

Бозор ҳудудининг қатта қисмида қишлоқ ҳўжалик махсулотлари, турли хил кўкатлар, билан савдо қилувчи сотувчилар ерда савдо қилганимизда бу махсулотлар учун эса расталар мўл. У ҳолда нега бундай вазият: ахир махсулотлар билан ерда савдо қилиш таъқиқланганлигидан бозор маъмурияти, СЭС ходимларининг ҳам хабарлари бор-кў! Дехқон ҳўжаликлари билан бозор маъмурияти ўртасида шартномалар тузишмаган. Бозор ҳудуди антисанитария ҳолатида. Бозор бошқаруви раиси Ибод Ҳудойкулов бундай салбий ҳолатларни қўриб наҳотки бемалол қўл қовуштириб турса?!

«Ватан» савдо фирмаси мудир С.Зайниддинов эса «Озик-овқат махсулотлари фидо» хавфсизлиги тўғрисидаги Қўноқинда курсатилганидек, мувофиқлик белгиси, ёрлик ва тамгалари бўлмаган махсулотларни сотиш таъқиқланганини билар эканлар, лекин Ташкент маъддалари суварини сотувга бема-

Бугунги ёшларимиз «Hostmother (Ўғай онамиз)» талабчан чиқди»

Ҳозирги кунда ҳамюртларимиз учун сирли-сеҳрли дийрларнинг ўзи қолмади. Осмонўпар биноси ҳайратомуз автомобиллари билан Америка ҳам остонамизга яқинлашиб қолди. Деярли ҳар кун мамлакатимиз фуқароси дунёнинг ё у чеккасига, ё бу чеккасига сафар қилиб турибди. «Сайёрлар орасида кўпчилигини ёш йигит-қизларимиз ташкил этаётгани эса, кишига ички бир ифтихор, умид ҳисларини бағишлайди.

Ташкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги Республика Иқтисодиёт Лицейининг 14 нафар иқтидорли ўқувчилари яқинда инглиз тили ўқитувчиси Мавлуда Файзиёва раҳбарлигида АҚШнинг Калифорния штатида бўлиб, инглиз тилини ўзлаштириб қайтишди. Сўхбатдошларимиз - Жавлон Солихов ҳамда Фарҳод Маликовлар океанорти тассурутлари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон чегарасини илк бор кесиб ўтишни Америка билан боғлиқ бўлганлигидан бехад хурсандман. - Тўғрисини айтганда, - дейди Жавлон Солихов, - бу омадга самолётда учаяётганимиз ҳам у қадар ишонқирамиз. Дастлаб биз Москвада кўним топдик. Бу ердаги муомала, меҳмонхона ва аэропортдаги сервизлардик, одамларнинг асабийлиги менга ажабланоли туюлди.

Лекин, минг шўқурларки, биз кўзи очиб-юмгунча Америка қитъасида пайдо бўлдиғу мендаги тушун қайғийат бир зумда тарқайди-қолди. Бу ерда умуман ўзгача муҳит экан. Одамлар илоҳи борича сизга ёрдам қилишга, муаммоларингизни ҳал этишга ҳаракат қилишар экан.

Биз Санта-Барбара, Санта-Моника, Санта-Мария ва Лос-Анжелос шаҳарларида бўлиб, бой тассурутлар билан қайтдик. Масалан Лос-Анжелосда машҳур эстрада юлдузи Майкл Жексоннинг дала-боғларини томоша қилдик. Менга айниқса Диснейленд паркири жуда ёқди. У ердаги хизматчиларнинг ҳушмуомаласи, озодалиги ва энг муҳими болаларга нисбатан хайрихоҳлиги мени ҳайратга солди. Диснейленднинг «Индиана Жонс» боғи ўрта асрдаги қалъаларни эслатади. Бу ерда бинолар, уй ромлари, кийим-бошларнинг ҳаммаси аллақайси эртақдан олинганга ўхшайди. Уни бутунлай айланиб чиқишга бир кунингиз камлик қиларкан.

Яна қандай таасуротлар бор? - Биз Санта-Барбара шаҳридаги Халқаро мактабда инглиз тилини ўргандик. Мактабда ўқитиш услуби бизникидан тубдан фарқ қилади.

Ўқувчиларга эркин фикрлашга ҳаракат қилиши учун шароит яратилди. Лекин дарс мавзусидан четга чиқиб яетиш ҳам қатъиян ман этилади. Муҳожир болалар таҳсил оладиган халқаро мактабда дунёнинг ҳар чеккасидан ташириб буюрган ўқувчиларни учратиш мумкин. Мени қувонтирган нарса шу бўлдики, халқаро мактаб тайёрлаган ўқув дастури биз-Ўзбекистонлик ўқувчилар учун умуман мураккаб туюлмади. Ваҳоланки, бошқа давлатлардан борган ёш ҳам бизникидан каттароқ бўлган ўқувчилар ўша дастурларни ўзлаштириш учун астойдил куч сарфлардилар.

Бундан чиқди, сизлар деярли дарс тайёрламайсизлар-да? - Дарсга тайёрланмасликнинг илоҳи йўқ. Чунки ўқитувчилар талабни қаттиқ қўйишди. Ундан ташқари биз кўним топган оиланинг соҳибаси - инглизлар қарачида айтганда «ўғай онамиз», яъни hostmother жуда қаттиққўл чиқиб қолди. У биз билан машғул ўтказишдан чарчамас, уй вазифаларимизни ўз вақтида бажаришимизни таъқидлайверарди.

Америкалик болалар турмуш тарзи билан сизларнинг ораларингизда қандай фарқлар бор экан? - Улар ҳам биздек қувнок, ўйинқароқ. Америкалик ёшларни спорт залларида, сузиш ҳавзаларида, кутубхонада тез-тез учратиш мумкин. Баъзида газета сотиб юрган тенгдошларимизни ҳам учратдик. - Хуллас, уларда бўш вақтининг ўзи йўқ. Ҳатто уй соҳибаси мени ҳам бир ой бекор юрмасин деб (ваҳоланки ўқиш машғулотини, дарсларини ўзимга етарли эди) спорт-мажмуига киритиб қўйди.

АҚШда жуда кўплаб дўстлар ҳам орттирдик, - дейди Фарҳод Маликов. - Японилик Мицуро, кореялик Ли, бразилиялик Филипп билан та ёзишиб туришга ҳам ваъдалашганмиз. Хорижлик дўстларимизнинг ўқиш-ишлари, гаф-тавишларини бизни ҳар дақиқда қизиқтириб туради.

Ноҳир АЛИМОВ сўхбатлашди.

Бонов ҳам кўриб-кўрмасликка олаётганмикин?

Тумандаги «Янгирабод» жамиятига қарашли Супермаркетни кўриб ҳайратдан ека ўқувчилар Супермаркетдан «Жураб» хусусий дорихонаси ижарига оғиб олибди-ю, лекин унинг санитария ҳолати, дорилар сақлашни учун музлатгичлар, пештахталар тўғрисида қайғурмабди. Дорихона филиали сотувчиси Ф.Эргашев ва фармацевтлар малака ошириш ўқиғида 1989 йилдан буюн бўлмаган.

Супермаркетнинг озик-овқатлар бўлимида эса, ёр махсулотлари 1,5 литрли пластмасос идишларда сотилмоқда. Лекин, ённинг на сертификати, на лаборатория таҳлил натижаси бор, истеъмол учун яроқлими, яроқсизми, бу ёлғиз Оллоҳга аён. Комлот, салат идишлари ёрликларига ҳеч бирда умуман йўқлиги маълум бўлди, сақланиш муддати қачонгача эканиниги сотувчи Т.Асадовнинг ўзи ҳам билмас эканлар.

Атир-упа, спиртли ичимлик ёрликлари қўрсатилмаган, хойнаҳой бу муддати ўтганлиги айбини яшириш учун қилинган бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари, сотувчи М.Эргашева акция маркази бўлмаган бир неча турдаги тамаки махсулотларини сотмоқда. Бозор ҳудудида сотувчи Х.Мардонидан сотиши таъқиқланган ёғ, шакар махсулотлари билан эркин савдо қилиб ўтирибди. Бу ҳоли бозор директори Ф.Қур-

Вазирлар Маҳкамасининг йилгилишда таъқидланганидек, бу жойда айнан даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишлари устида етарли назорат ўрнатилмаган. «Супермаркет» директори Ф.Хўшвақтовда оғина бўлса-да мастурийат бўлганда бунчалик ачирарли ахвол ўзи бермасди.

Уйлайинки, юқоридagi камчиликлар ўз ечимини топади ва тоғишли маъсўл шахслардан жавоб қўтиб қолади. Ғаффор ЭҒТАШКЕВ, Республика Санитария-эпидемиология Станцияси санитария врач. Даур ТУРОН, «Ишонч»нинг махсус муҳбири.



СЕШАНБА, 19

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ДУШАНБА, 18

17.55 Курсутовлар тартиби. 18.00 — Янгилар.

18.00 Курсутовлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида).

18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.10 «Эрилотшо».

ЧОРШАНБА, 20

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ПАЙШАНБА, 21

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ЯКШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ЖУМА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Олам ва одам».

14.00 «Назонир» 21.05 «Деллар сиймоси».

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Қўчмас мулк биржаси Сиз аизларни 1998 йил 26 май кун...

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй.

Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75

